

# Мундарижа

## Тадхия

Мухиддин КАЛОНОВ. Корхоналарнинг молиявий натижалари таҳлилини токомиллаштириши	3
Рақамли иқтисодиёт	
Бахридан МАҲМУДОВ. Рақамли иқтисодиётнинг иқтисодий ўсишга таъсирин	7
Эконометрик моделлаштириши	
Носир МАҲМУДОВ, Азamat ҚОСИМОВ. Ҳудудий саноатни эконометрик моделлаштиришининг ўзига хос хусусиятлари	10
Инвестиция	
Азизон ТИЛЛАХОДЖАЕВ. Тўқимасилик саноатида инвестиция лойиҳаларини бошқариши самарадорлигини ошириш	13
Тажриба ва самара	
Абдувосит НАЗИРОВ. Миллӣ иқтисодиётин инновацион ривожлантиришда венчур маблагидан фойдаланиш	19
Аудит	
Сууб ҲАМИДОВА, Абдирахим ТЎРАЕВ, Шерзод РАҲМОНОВ. Пул маблаглари аудитини ҳалқаро аудит стандартлари асосида токомиллаштириши	22
Жарән	
Баҳодир ОМОНОВ, Моҳира УСМАНОВА. Йўл ҳаракати ҳафзсангини оширишда замонавий интеллектуал транспорт тизимларидан фойдаланиш	27
Ислоҳот	
Мехридин ҲОЖИЕВ. Нодавлат нотижорат ташкилотларида активлаштириш	30
Иқтисодиёт	
Ирода БАКИЕВА, Шавкат ФАЙЗИЕВ. Фаол инвестиция сиёсати – иқтисодиёт барқарорлиги омили	35
Долзарб мавзӯ	
Нодирбек СОТВОЛДИЕВ. Озиқ-овқат бозорини давлат томонидан тартиғоба соили ўйналишлари ва ўзига хос хусусиятлари	38
Аграр соҳа	
Соҳибжон ТОПИЛДИЕВ. Ўзбекистон аграр секторидаги муаммоларни бартарфа этишининг асосини йўллари	41
Ижтимоний таъминот	
Шерзод РАЖАБОВ. Пенсия тизимидағи таркиби ўзгаришнинг иқтисодий аҳамияти	44
Соглиқ ва хавфсизлик	
Азиз ЗИКРИЈЕЕВ. Курниши саноатида инсон соглиги ва хавфсизлининг ижтимоний-иктисодий самарадорлигини бахолашга услубий ёндашувлар	47
Стратегик бошқарув тизими	
Умиджон КОСТАЕВ. Стратегик бошқарув хисобида хўжалик юртгувчи субъектлар фаолиятини бахоловчи кўрсаткичлар тизими	50
Таракқийт	
Акрам ХОЛОВ. Ёш раҳбар кадрларнинг мансаб погоналарида ўчиш истиқболлари	56
Кластер механизми	
Муборак АШУРОВА. Ишлаб чикаришни кластер усулида ташкил этишининг зарурити	59
Туризм	
Абдула МИРЗАЕВ. Ўзбекистонда туристик рекреация корхоналари фаолиятини бошқариниши ташкилий-иктисодий механизmlарни токомиллаштириш	62
Тадбиркорлик	
Азиз ҚОДИРОВ, Димфузза ҮРОКОВА. Кичик бизнесда инновацион фаолият ва уни ривожлантириш масалалари	66
Маркетинг	
Нозимжон ТУРСУНОВ, Тоҳиржон МАҲМУДОВ. Инновацион иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон мода индустриясини ривожлантиришда маркетинг стратегияларининг ўрни	69
Модернизация	
Дилбар ҲОДЖАЕВА. Иқтисодиётни модернизациялаш – барқарор иқтисодий ўсиш омили	73
Эркин иқтисодий зоналар	
Зебинисо НАВРУЗЗОДА. Эркин иқтисодий зоналарнинг мазмун-моҳияти, мақсадлари ва ривожланиш хусусиятлари	76
Хизматлар соҳаси	
Зилола ЖЎРАЕВА. Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасини ривожлантириш зарурити	79
Нигот	
Баҳодир МАРДОНОВ, Муҳаммадамин ЭРДОНОВ. Хизмат кўрсатиш соҳасини ююри сурʼатларда ривожлантиришнинг устувор ўйналишлари	82
Қимматли қозолар бозори	
Акрамжон КАРИМОВ. Ўзбекистон қимматли қозолар бозорида акцияларнинг оммавий таклифи ва унинг иқтисодий аҳамияти	86
Хориж тажрибаси	
Сиројиддин МАҲАТОВ. Корея Республикасида инновацион тизим шакланишининг ўзига хос хусусиятлари ва асослари	90
Транспорт	
Муҳаммадхўжа САЙТКАМОЛОВ. Темир йўл транспорти ривожланшида инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш ўйлари	94

## Туризм ёрдамчи ҳисоби

Акбар ЖУМАЕВ. Туризм ёрдамчи ҳисоби ва уни токомиллаштириш ўйналишлари

97

## Сегментар ҳисобот

Рисомат ҲАСАНОВА. Сегментар ҳисобот тузишнинг назарий жиҳатлари ва уни кластерларда қўллаш усулади

100

## Молия

Бобур БОРОНОВ. Молиявий активлар ҳисоби принциплари таснифини токомиллаштириш

103

## Меҳнат бозори

Абдураҳмон АСРАҚУЛОВ. Норасмий бандикка концептуал ёндашувлар ва унинг Ўзбекистон меҳнат бозоридаги даражаси

106

## Пенсия тизими

Фаҳридин ЗАЙНИДИНОВ. Пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш йўллари

111

## Банк фаолияти

Обид ҲАМРАЕВ. Банкларга молиявий ресурсларни жаъл этишини токомиллаштириш

114

## Хуауа

Нурсратилло ИОРҚОБИЛОВ. Кащадаре вилоятги иқтисодиётини ривожлантирища хорижий инвестициаларнинг ўрни

118

## Уй-жой коммунал хўжаланинг

Нодирхон ЖЎРАЕВА. Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалиги тизимининг шакланиши ва боллаш хусусиятлари

122

## Қишлоқ хўжаланинг ракамаштириш

Гузал АДИОВА. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги рақамли иқтисодиёт тизимини шакланишига йўлий методологик асослари

126

## Маркетинг

Сироҷали АДЛОБЕРГАНОВ. Интерактив ва рақамли маркетингнинг корхоналар маркетинг фаолиятни ривожлантиришаги ўрни

130

## Фаронов турмуш гарови

Сандубайдалоҳон САИДУМАРАДИХОНОВ. Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини яхшилашда аҳоли даромадларининг ўрни

134

## Интеграция

Бунёд РАДЖАБОВ. Мамлакатнинг глобал инновацион иқтисодиётта интеграциялашувини баҳолаш

137

# Содержание

## Цифровая экономика

Бахтиёр МАҲКАМОВ. Эффективное лицензирование радиочастотного спектра как фактор привлечения дополнительных инвестиций в сферу мобильных услуг

141

## Стратегическое управление

Зулайха САЙДИЛАЕВА. Вопросы устойчивого развития организации на современном этапе

144

## Инновационная экономика

Зумрат ГАЙБАЗАРОВА. Взаимосвязь человеческого капитала с интеллектуальным капиталом

148

## Цифровая экономика

Зуҳра ОТАКУЗИЕВА, Шуҳрат БОБОХУЖАЕВ. Роль и место биржевых электронных торговых систем Ўзбекистана в цифровой экономике

151

## Финансы и рынок

Равшан КАЮМОВ, Ферузбек МАДАМИНОВ. Комплексный подход к раскрытию сущности финансового рынка

156

## Финансовый мониторинг

Шамсиддин АЛЛАЯРОВ. Значение финансового мониторинга в системе экономической безопасности

160

## Рыночные исследования

Шахзод МАҲКАМОВА, Зумрад ИЛҲАМОВА. Потребительское поведение современной молодежи

164

## Корпоративное управление

Обид АСАДОВ. Повышение эффективности системы корпоративного управления акционерной компании «Узбектелеком»

167

## Управление предприятием

Султан БАЛАШЕВ. Управление кредитоподобностью предприятия

171

## Международная практика

Шерзод КУДИЕВ. Основные изменения в деятельности МОТ в условиях инновационного развития

175

## Государственное регулирование

Умиджон ЙОЛДАШЕВА. Зарубежный опыт государственного регулирования предприятий малого бизнеса

181

## Банковская деятельность

Феруза УРУНОВА. Формы участия коммерческих банков в финансировании инвестиционных проектов

185

## Инвестиции

Наргизабону АБИРОВА, Рушана АМИНОВА. Инвестиционная поддержка малого бизнеса: проблемы и перспективы

188

# Кичик бизнесда инновацион фаолият ва уни ривожлантириш масалалари

## Инновационная деятельность в малом бизнесе и вопросы ее развития

### Innovative activity in small business and issues of its development

Азиз ҚОДИРОВ,  
БухДУ катта ўқитувчиси.  
Дилфузә ЎРОҚОВА,  
БухДУ ўқитувчиси.

#### Аннотация

*Мақолада кичик бизнес субъектларидаги инновацион фаолият, унинг корхоналарни ривожлантиришидаги аҳамияти, ўзига хос ағзаллуклари ҳамда устувор йўналишилари ёритилган.*

*В статье описывается инновационная активность малого бизнеса и его роль в развитии предпринимательства. Представлены преимущества и приоритеты развития инновационной деятельности в малом бизнесе.*

*The article describes the innovative activity of small business and its role in the development of entrepreneurship. The advantages and priorities of the development of innovative activity in small business are presented.*

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш ҳамда барқарор ўсишни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Чунки кичик бизнес бозор конъюнктураси ўзгаришларига ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларига дарҳол мослаша олиши, ҳаракатчанлиги ва ихчамлиги сабабли мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилади. Уни ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатда рақобат мұхити такомиллашади. Пировардида бозор механизмларининг самарали фаолият юритиши таъминланади.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва билимларга асосланган иқтисодиётга ўтиш шароитида

замонавий иқтисодий жараёнларнинг инновацион йўналтирилганлиги кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Умуман олганда, ҳозирги пайтда инновацион иқтисодиётнинг барқарор тараққиётини белгилайдиган ҳал қиувлечи омил – бу илмий тадқиқотлар ва принципиал жиҳатдан янги маҳсулот турларини яратишга бағишлиланган ишланмалар натижаларидан фойдаланишга боғлиқ бўлган мамлакат инновацион мұхитини шакллантириш ҳамда ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқарышнинг замонавий технологияларини яратиш, бозорга чиқариш ҳамда реализация қилишдир.

Кичик бизнес инновацияларни тез ўзлаштира олиш салоҳиятига эга. Бу унга инновацияларни тижоратлаштиришдан юқори даромад олиш имко-

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, тадбиркорлик, инновация, инновацион фаолият, модернизация, маркетинг, инновацион мұхит, инновацион инфратузилма.

нини беради ва трансакцион харажатларни камайтиради. Шу боис кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини равнақ топтириш обьектив заруриятга айланмоқда.

Табиийки, диёримизда изчил давом эттирилаётган иқтисодий ислоҳотлар асноси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳамда уларнинг инновацион фаолиятини жадаллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президентимиз 2018 йил 5 майда имзолаган “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Зеро, унда ўлкамиз ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги барқарор ўсишига имкон берувчи фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш варагбатлантириш, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, инновациялар бозорини шакллантириш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инновацион ишланмаларни иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш каби долзарб вазифалар белгилаб берилган [1].


Бугунги кунда иқтисодий ўсишини таъминловчи самарали омиллардан бирин инновацион фаолиятни такомиллаштиришdir. Фикримизча, инновацион фаолият – бу илмий тадқиқотлар ва замонавий илм-фан ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнларида, замонавий маҳсулотлар тайёрлаш ёки хизматлар кўрсатишда оқилона қўллашга боғлиқ жараёндир.

Кичик бизнесдаги инновацион фаолият масалаларининг долзарблиги илмий адабиётларда алоҳида қайд қилиниб, уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари хусусида фикрлар билдирилган. Жумладан, П.Друкернинг тадқиқотларида тадбиркорлар инновациялар ёрдамида янги хизматлар кўрсатишлиари ёки бизнеснинг муайян турини амалга оширишлари, тадбиркорлик инновацияни бошқариш жараёни, тадбиркор эса ҳар бир

имкониятдан максимал фойдаланувчи шахс эканлиги кўрсатилган [2]. Академик С.Фуломов ва профессор Б.Фойибназаровнинг таъкидлашларича, кичик бизнес корхоналари янги инновацияларни ва ташабbusкорликни талаб қиласди, иқтисодий ривожланишни шулар асосидагина таъминлаш мумкин. Бунинг учун кичик бизнес корхоналари фан ва техника соҳасида эришилган энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришда қўллашлари лозим [3].

Инновацион фаолият – бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, амалий фаолиятда фойдаланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнга гояларни татбиқ этиш билан боғлиқ фаолият бўлиб, кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятни ривожлантириш доимий равища ўзгаришни, янги ғоя, янги товар модификацияси ва бошқа янгиликларни назарда тутади.

Кичик бизнес корхоналари илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштиришда муҳим ўрин тутади. Хориж тажрибасига кўра, турли мамлакатларда яратиладиган инновация ва инновацион маҳсулотларнинг аксарият қисми айнан кичик бизнес субъектлари улушига тўғри келади. Бу корхона-



### 1-ЧИЗМА. Инновацион мухитни шакллантириш.

ларда инновацион фаолиятни ривожлантиришда мавжуд инновацион мухит, у нечогли шакллангани ҳамда инновацион инфратузилманинг қандайлиги бекиёс аҳамият касб этади. Бинобарин, инновацион мухит инновациялар амал қилишининг муҳим гарови бўлиб, инновацион гоялар туғилиши, рўёбга чиқарилиши ва тижоратлашиши учун зарур меърий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ва институционал шарт-шароитлар йигиндисидан иборатdir.

Ички мухит ва ташки шарт-шароитларнинг ўзаро уйгунилиги инновацион фаолиятни рисоладаги-дек амалга оширишнинг ўзига хос шарти саналади

**(1-чизма).** Негаки, бу мұхиттің шаклланиши инновацион гояннинг ҳудди шундай маңсулотта айла-ниш давригача бўлган муддатда инновацион фаолият самарали юритилишини таъминлайди.

Инновацион инфратузилма эса ушбу фаолият иштирокчилари турли ресурсларга эга бўлишини таъминлайдиган ҳамда инновацион маңсулот яратилиши ва сотилишига хизмат қиласидан барча кичик тизимлар мажмусидир. Унинг ўзига хос алоҳида вазифаси кичик инновацион корхоналарни қўллаб-кувватлаштирибди.

Ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам инновацион инфратузилма мамлакат миллий инновацион тизимини яратишнинг асосий тамойилларидан бири эканлигини тасдиқлайди. У учта таркибий қисмдан – ишлаб чиқариш-технологик, молиявий ҳамда эксперт-консалтинг инфратузилмалардан ташкил топади. Биринчисининг таркибига технопарклар, инновацион-технологик марказлар, эркин

иқтисодий зоналар ва бошқалар киради. Иккинчиши турли фондлар, масалан, венчур, сугурта ва ҳоказолардан, учинчиси эса умумий ва ихтисослашган консалтинг марказлари, хизмат қўрсатиши ташкилотлари ва ахборот-таҳдил хизматларидан иборат бўлади.

Мамлакатда қулай инновацион мұхитни ҳамда самарадор инновацион инфратузилма обьектларини шакллантириш кичик бизнес субъектларида ҳам ҳудди шундай имкониятлар юзага келишига турткни беради. Бу корхоналарни рақобатбардош маңсулотлар ишлаб чиқаришда асқатадиган, фан сиғими юқори технологиялар билан жиҳозлаш, саноатни инновацион ривожлантиришнинг янги воситаларини яратиш ҳамда кичик бизнеснинг бу борадаги фаоллигини оширишга хизмат қилувчи инфратузилмалар қамровини кенгайтириш айни жабҳадаги асосий йўналишлар ҳисобланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3697-қарори. <http://lex.uz/docs/3723272>
2. Друкер П. Рынок: как выйти в лидеры. Практика и принципы. – М.:2004 год.
3. Гуломов С.С., Гойибназаров Б.К. Иқтисодий юксалиш омиллари. “Халқ сўзи”, 2007 йил 27 февраль.
4. Абдусаттарова Х.М. Инновация стратегияси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2011 йил.

УЎТ: 65.9

**Инновацион иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон мода индустриясини ривожлантиришда маркетинг стратегияларининг ўрни  
Роль маркетинговых стратегий в развитии индустрии моды  
Узбекистана в условиях инновационной экономики  
The role of marketing strategies in the development of Uzbekistan's fashion industry in an innovative economy**

Нозимжон ТУРСУНОВ,

Наманган мұхандислик-технология  
институти катта үқитувчisi.

Тоҳиржон МАХМУДОВ,

Наманган мұхандислик-технология  
институти докторанти.

### **Аннотация**

Бу мақолада мамлакатимиз тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармогининг мода индустриясини ривожлантириши бўйича маркетинг стратегияси аҳамияти ёритилган. Шунингдек, ривожланган давлатлардаги мода индустрияси тадқиқ қилинган. Чунончи, АҚШдаги замонавий мода товарлар савдосига ижтисослашган Macy's корхонасининг маркетинг стратегияси ўрганилиб, илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

В статье подчеркивается важность маркетинговых стратегий для развития индустрии моды текстильной и швейной промышленности страны, а также исследуется индустрия моды в развитых странах мира. Изучена маркетинговая стратегия Macys в США, которая специализируется на современной торговле модными товарами, и сделаны научные выводы.

*The article emphasizes the importance of marketing strategies for the development of the fashion industry of the textile and clothing industries of the country, and also explores the fashion industry in the developed countries of the world. We studied the marketing strategy of Macys in the United States, which specializes in modern trade in fashion products, and made scientific conclusions.*

Ўзбекистонда изчил давом эттирилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида миллий иқтисодиётнинг, жумладан, саноатнинг иқтисодий салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш орқали юқори ўсиш суръатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғи миллий иқтисодиётимизнинг етакчи ва жадал ривожланайётган соҳаларидан бўлиб, мамлакатимиз ЯИМдаги улуши йил сайн ортиб бормоқда. Шу сабабли уни стратегик йўналишлардан бири деб хисоблаш мумкин. Бу борада, айниқса, мода индус-

триясининг асосий бўгини сифатида тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш бўйича маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш мұхим ўрин тутади. У мазкур тармоқдаги ички ресурслар ва ташқи имкониятлардан фойдаланган ҳолда, мавжуд ва потенциал истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган усуллар асосида узоқ муддатли қарорлар қабул қилишни кўзда тутади.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

**Калит сўзлар:** тўқимачилик, тикув-трикотаж, мода индустрияси маркетинги, маркетинг стратегияси.